



# Халқ сўзи

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 20 декабрь, № 263 (8886)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАСИДА ЭРИШИЛГАН ЙУТУҚЛАР САРҲИСОБИ ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 декабрь куни инвестиция бўйича 2024 йилдаги натижалар сарҳисоби ва келгуси йилги вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

2017 йилдан буён мамлакатимиз иқтисодиётига барча манбалар ҳисобидан 188 миллиард доллар инвестиция киритилган. Шундан 87 миллиард доллари четдан жалб қилинган. Натижада инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30 фоиздан ошиб, барқарор иқтисодий ўсишга замин бўляпти.

Бу йил иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 1,3 баравар кўпайиб, 36 миллиард доллардан ошди. Буларнинг ҳисобига йил бошидан буён қўшимча 70 триллион сўмлик қиймат берадиган 560 та йирик ва ўрта лойиҳа ишга туширилди. Келаси йилдан экспортни яна 1 миллиард долларга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Соҳа ва ҳудудларда очилётган имкониятлар билан бу натижаларни янада оширса бўлади.

Йиғилишда инвестициялар,

саноат ва савдо вазири 2025 йилги режалар тўғрисида ахборот берди.

Келгуси йил 43 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу орқали 300 дан ортиқ йирик лойиҳалар бажарилиши, импорт ўрнини босувчи 662 та янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун хорижий инвесторлар билан манзилли ишлаб, янада қулайликлар яратиш, эришилган барча келишувларни юқори даражада амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, бугунги кунда 1 минг 890 та лойиҳа бўйича иш кетмоқда. Уларнинг ижросини жадаллаштириш учун масъуллар белгиланди.

Йиғилишда ташки савдо масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Жаҳонда кузатилаётган му-

раккаб вазиятда бу ўз-ўзидан бўлмайди. Экспорт-логистика занжирлари қийинлашяпти, асосий экспорт бозорларимизда тайёр маҳсулот олиш камайяпти.

Бундай шароитда ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, иқтисодий тараққиёт суръатларини ошириш зарурлиги таъкидланди.

2030 йилгача мамлакатимизнинг йиллик экспорт ҳажмини 2 баробар ошириб, 45 миллиард долларга олиб чиқиш мақсади белгиланган. Бу режадаги инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириб, юқори қийматли маҳсулот ва хизматларни кўпайтиришни, экспорт географиясини кенгайтиришни талаб этади.

Мутасаддиларга режалар ижросини доимий таҳлил қилиб, ишни жойларда сифатли ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

## ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 декабрь куни газ қазиб олишнинг жорий ҳолати ва уни янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти раиси жорий йилда бажарилган ишлар ҳамда 2025 йилги устувор вазифалар тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, соҳада хорижий компаниялар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Улар иш-тироқида келаси йил газ қазиб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш лойиҳалари шакллантирилди. Хусусан, замонавий технологиялар жалб қилиниб, янги эксплуатация қудуқлари бурғиланади ҳамда эскилари таъмирланади.

Тармоқдаги асосий муаммо геология-қидирув ишларига узоқ йиллар етарлича эътибор қаратилмаганидир. Оқибатда айрим конлар фойдаланиш муддатини деярли ўтаб бўлган, яна баъзиларининг самарадорлиги паст. Шунинг учун замонавий технология олиб келиниб, 15 та янги истикболли майдонда геология-қидирув ишлари бошланади. Сейсмик қидирув ҳудуди 6,5 минг квадрат километрга кенгайтирилади.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 декабрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама кун тартибидаги ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Хавфсизликка таҳдид ва хатарларга қарши курашни кучайтириш мақсадида икки мамлакат махсус хизматлари ўртасидаги яқин ва самарали ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ

**З.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН  
ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ **Эргаш Алибекович Салиев** бошқа ишга ўтиши муносабати билан Жиззах вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 18 декабрь

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ

**У.М.МУСТАФОЕВНИ  
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ  
ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ  
ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ **Улугбек Мавлонович Мустафоев** Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 18 декабрь

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ДОЛЗАРБ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирликлари ҳуқуқий хизматлари раҳбарлари Маслаҳат кўмитасининг 37-йиғилиши бўлиб ўтди.

### Ҳамкорлик

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизмати хабарига кўра, тадбир офлайн ва онлайн тарзда ташкил этилган. Унда Ўзбекистон томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимлари, шунингдек, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Қозғистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар кун тартибига киритилган кенг қўламли масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, ишчи гуруҳ мажлиси

яқунлари бўйича тайёрланган халқаро мажбуриятларни бажариш ва халқаро-ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорликнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар лойиҳаси, МДҲга аъзо давлатларнинг илмий ҳамжамиятлари ўртасида халқаро ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик истикболлари кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, БМТ Бош Ассамблеяси Олтинчи кўмитаси кун тартибининг асосий масалалари ва БМТ Халқаро ҳуқуқ комиссияси кўриб чиқаётган мавзулар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ соҳасининг долзарб тенденциялари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон томони кўриб чиқилган ҳар бир масала муҳокамаси жараёнида амалий ва асосли таклифлар ҳамда шарҳлар билан иштирок этди.

«Халқ сўзи».

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, ногиронлиги бўлган инсонларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинаётгани уларнинг кўнглини кўтаришдан ташқари ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишга имкон беради. Зеро, юртимизда инсон кадр-қиммати, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари доимий диққат-эътиборда бўлиб келмоқда.

### Инклюзив жамият

Яқинда давлатимиз раҳбари иш-тироқида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида аҳолининг, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш борасидаги мақсад ва вазифаларнинг белгиланиши жамиятда инсон кадр-қиммати устуворлигини таъминлашнинг наватбандида амалий натижаси, десак, хато қилмаган бўламиз. Йиғилишда ногиронлиги бўлган шахслар учун реабилитация, спорт ва таълим соҳасида янги имкониятлар тақдим этилди.

Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз деярли ҳар бир чиқишида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратади. Очиғини айтиш керак, бу борада сўнгги етти йилда озмунча иш қилингани йўқ. Таъбир жоиз бўлса, собиқ шўро тузуми даврида ҳам, яқин ўтмишда ҳам мазкур соҳага бунчалик урғу берилмаган. Ками-

на шу жараённинг ичида бўлганим учун бунга яхши биламан.

Ногиронлиқни белгилаш масалаларига собиқ тузум даврида таниш-билишчилик, ўзаро манфаат нуктаи назаридан ёндашувлар бўлгани сир эмас. Ногиронлиқни расмийлаштириш қийин ва камситувчи жараён бўлиб, бундай шахслар соғликларида доимий муаммо борлигини ҳар доим Тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига исботлаб бериши керак эди. Уларни бундай камситиш ҳолатлари мустақиллик йилларида ҳам сақланиб қолди. Масалан, ҳамма кўриб-билиб турган, етарли тиббий маълумотнома ва таххис қўлида бўлган одам ўзининг ногирон эканини исботлаш учун ҳар йили касалхонада икки ой давомида чўнтагидан пул сарфлаб даволаниши керак эди. Яна бир муаммо, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлганларнинг ҳужжатларига “ишга лаёқатсиз” муҳри босиларди, уларни ҳеч бир идора ёки ташкилот ишга қабул қил-

масди. Ўзи ногиронлиги йўқ, аммо таниш-билишчилик билан ногиронлик имтиёзини қўлга киритганлар тиббий текширувдан ҳам ўтказилмасдан ана шундай ҳужжатга эга бўлишарди.

Шу каби ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда Президентимизнинг 2017 йил 1 августдаги фармойиши билан Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссия томонидан ногиронлиқни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш йўналишидаги ҳаракатларнинг аҳоли комплекс ва чуқур ўрганилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуши даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатла-

рини рўёбга чиқаришга, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга қўмаклашиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

2017 йил 1 декабрда “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Шу асосда ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳолини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам ва реабилитация сифатини яхшилаш, протез-ортопедия буюмлари ҳамда техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 26-моддаси “абилитация ва реабилитация” масалаларига бағишланган бўлиб, конвенцияда иштирок этувчи давлатлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, улар илоҳи борада мустақил жисмоний, ақлий, ижтимоий ва касб қобилиятларини намоён қилиши учун барча самарали чораларни кўриш зарурлиги белгиланган.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи куни дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокамаси бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини оширишга, шунингдек, солиқ тўловчилар учун солиқ юкини камайитиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



## ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш, уларга манзилли ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Бугунги кунда мазкур жамоат фонди томонидан эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган болалар бепул дори воситалари, тиббий ва протез-ортопедик буюмлар билан таъминланмоқда. Ногиронлиги бўлган болаларни иж-

тимоий мослаштириш, уларга қизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш бўйича қатор ишлар бажарилаяпти. Соҳадаги янги имтиёзлар олис ҳудудлардаги оилалар фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.





# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**1** Бундан ташқари, ўз маб-лағлари ҳисобидан нодав-лат умумий ўрта таълим ташкилотларининг биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган хара-жатларга нисбатан фойда солиғи бўйича вақтинчалик солиқ имтиёз-лари берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тас-диқланадиган рўйхат бўйича протез мосламалари ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмларини Ўзбекистон Рес-публикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ре-зидентлари бўлган вагонлар (контей-нерлар) операторларининг темир йўл транспортда ташиш жараёни-да вагонларни ижара шартлари асо-сида фойдаланишга бериш бўйича қизилма-роқ кўрсатиш айланмаси қўшилган қиймат солиғини тўлаш-дан вақтинчалик озод қилинмоқда.

Мажлисида мазкур қонун сена-торлар томонидан қизгин муҳока-ма қилинди ҳамда таълим тизими-ни такомиллаштириш учун қўшим-ча шарт-шароитлар яратиш ва аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ало-ҳида таъкидланди.

Муҳокама якунида қонун сена-торлар томонидан маъқулланди.

Бундан сўнг ялпи мажлисида “Космик фаолият тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонунда космик фаолиятга оид асосий тушунчалар ва принцип-лар, фаолиятни амалга оширишнинг мақсадлари, космик фаолият соҳа-сидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари назарда тутилган.

Қонун билан Вазирлар Маҳқа-

маси, Рақамли технологиялар ва-зирлиги ва унинг ҳузуридаги Кос-мик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ҳамда Мудофаа вази-рининг космик фаолият соҳа-сидаги ваколатлари белгиланмоқда.

Шунингдек, космик соҳада ил-мий тадқиқотлар олиб бориш, кос-мик тизимларнинг турлари яъни ерни масофадан зондлаш, давлат космик мониторинги, космик алоқа тизими, юқори аниқликдаги сунъий йўлдош навигация тизими, космик ракета комплексларидан (космодромлардан) фойдаланиш, космик объектларни таъғиллаш, ижарага бериш, космик объектлар-ни ва техника воситаларини ути-лизиация қилиш, космик инфрату-зилма ва фаолият хавфсизлиги, фаолиятни молиялаштириш асо-лари ҳамда халқаро ҳамкорлик ма-салалари назарда тутилмоқда.

Қонунда илм-фан, ихтимоий-икти-содий, экология, мудофаа, хавфсиз-лик ва бошқа соҳаларга оид мақса-дларга эришиш учун космик техноло-гиялар воситасида космик фазони ва Ерни тадқиқ этиш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, космик фаолиятнинг атроф-муҳит, табиий ресурслар ва аҳоли соғлиғига таъ-сирири назорат қилиш каби маса-лаларга алоҳида эътибор берилган.

Қонунда космик фаолият соҳа-сидаги стратегик йўналишлар ҳамда давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисо-диёт тармоқларидаги қонунчилик бўлишчи ҳолларини космик сура-тларга ишлов бериш орқали аниқ-лашга қўмақлашнинг давлат сиёса-тининг асосий йўналишларидан бири эканлиги назарда тутилган.



Юсуф БУРИЕВ олгон суратлар.

Сенаторлар томонидан таъкид-ланганидек, қонуннинг қабул қили-ниши натижасида космик фаолият соҳаси тартибга солиниб, масъул органлар, уларнинг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгиланади, юзага келиши мумкин бўлган ха-тарларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мудофаа ва хавфсизлиқни таъминлашда кос-мик фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий қафолати яратилади.

Шу билан бирга, бу мамлақати-мизда барча соҳада, жумладан, ер муносабатлари, геология, сейсмик хавфсизлик, транспорт, қишлоқ, ўрмон, сув ва йўл ҳўжалиги соҳа-ларида муваффақиятли фаолият юритиш имконини беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Қолаверса, Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида “Ипотека кредити бозори янада ривожлантирилиши му-носабати билан Ўзбекистон Респуб-ликасининг айрим қонун ҳўжатлари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун билан “Ипотека тўғрисида”ги, “Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида”ги ва “Тўловга қўбилиятсизлик тўғрисида”ги қонун-ларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали гаров шартномаси ва гаров хати бўйича ҳўқуқларни рас-мийлаштириш, уларни рўйхатга олиш ва учинчи шахсларга бериш жараёнлари такомиллаштирилмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги кунда рўйхатдан ўтказувчи орган томони-дан гаров хатини расмийлаштириш пайтида томонларнинг иштирок эти-ши, шунингдек, ариза берувчилар-нинг рўйхатдан ўтказувчи органга (қадастр) тўғридан-тўғри мурожаат қилиши талаб этилади. Бу эса бе-риладиган гаров хатлари сонни кўпай-ган ҳолларда жиддий қийинчилик-ларни келтириб чиқаради.

Шу боис гаров хатини онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларида бориш орқали рас-мийлаштириш белгиланиб, элек-трон гаров хатининг концепцияси жорий этилмоқда. Бу, ўз навбати-да, харажатларни камайтириш ва

вақтни тежаш имконини беради. Бундан ташқари, қонунда ипо-текани қайта молиялаштириш ташки-лотлари томонидан ўз капитални микдоридан ортиқ қийматда обли-гациялар чиқариш орқали капитал бозоридан янада кўпроқ маблаглар-ни жалб этиш механизмини жорий қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар томонидан қонун ипотека бўйича гаров хатлари ай-ланишини янада ривожлантиришга, аҳолига берилган ипотека кредит-ларини такорр молиялаштириш учун янги имкониятлар яратишга, ипо-тека кредитини беришнинг замона-вий бозор тизимини шакллантириш-га хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамадан сўнг қонун сена-торлар томонидан маъқулланди. Шу билан Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисининг иккин-чи иш кунни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати  
Ахборот хизмати.

## ЗАРУРИЯТГА АЙЛАНГАН ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

Олий Мажлис Сенати иккинчи ялпи мажлисининг иккинчи кунинда ҳам қонунлар муҳокамаси қизгин тарзда давом этди. Эътиборлиси, ушбу жараёнини оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали юртимиз аҳолисининг кенг қатлами катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Уларга янада кўпроқ маълумотлар етказиш мақсадида айрим сенаторларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳавола қиламиз.

### Муносабат

### ИПОТЕКА КРЕДИТИ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,  
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда аҳоли-ни уй-жой билан таъминлаш борасида қатор ижобий иш-лар амалга оширилмоқда. Амалиёт натижалари эса бу борадаги қонунчиликни яна-да такомиллаштиришни тақо-зо этмоқда.

Мажлисида қизгин муҳока-ма қилинган “Ипотека креди-ти бозори янада ривожланти-рилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун 5 та моддадан иборат бўлиб, 3 та қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг назарда тутди. Жумладан, “Ипотека тўғриси-да”ги Қонунга онлайн тартиб-

да ёки Давлат хизматлари марказига бориш орқали электрон гаров хатини рас-мийлаштириш ҳамда гаров хати билан боғлиқ бошқа ҳаражатларни амалга ошириш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ипотекани қайта молиялаштириш ташки-лотлари томонидан ўз капита-ли микдоридан ортиқ қиймат-да корпоратив облигациялар чиқаришнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, “Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, қонун-га асосан қимматли қўғозлар марказий депозитарийсининг вазифалари қаторига нозмис-сиявий қимматли қўғозларни

ҳам тўплаш ва тизимлаштириш жорий этилмоқда.

“Тўловга қўбилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунга кирити-лаётган ўзгартиришларга асо-сан гаров хати механизмнинг такомиллаштирилиши муно-сабати билан ушбу қонун талаблари ўзаро мувофиқ-лаштирилмоқда. Жумладан, га-ров хати тугатиш массасига, яъни қарздорнинг барча активи-га кирмаслиги белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ипотека бозори-нинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга, ипотека бо-зорида маъмурий харажат-ларнинг камайишига, инсон омилнинг аралашмаслигига ҳамда гаров хатларидан ипо-текани қайта молиялаштириш воситаси сифатида кенг фой-даланишга имконият яратади.

## ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА



**1** Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг камбағаллиқни қисқартириш соҳасида амалга ошири-лаётган ишлар устидан самарали парламент назоратини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳининг Меҳнат, соғлиқни сақ-лаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказган йиғилишида Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фон-ди томонидан амалга оширилган ишлар натижадорлиги кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ўтган даврда жамо-ат фонди томонидан 7 минг 639 нафар болага қўқурлаштирилган тиббий-диаг-ностика текширувлари ўтказилган, тиббий акциялар давомиди 1 070 нафар болада

операция амалиётлари бажарилган. Бун-дан ташқари, 90 нафар бола хориз кли-никаларида операция қилиниб, соғлом-лаштирилган. 1 305 нафар боланинг таъ-лим олиши учун зарур адабиётлар, тех-ник асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари харид қилинган.

Камбағаллиқни қисқартириш ва банд-лик вазири билан биргаликда “Моҳир кўлар” лойиҳаси доирасида 16 — 18 ёшли ногиронлиги бўлган 33 нафар бола мо-номарказларда ўқитилиб, касб-ҳунарга ўргатилган.

Шу билан бирга, оғир таъхисли 110 нафар бемор бола даволаниш учун нуфузли чет эл клиникаларига юборилган.

Тадбирда депутатлар соҳада қилинган ишларни эътироф этиб, эҳтиёжманд оила-ларнинг болаларини рағбатлантириш, кам учрайдиган (орфан) касалликларга ўз вақ-тида таъхис қўйиш ишларини янада жа-даллаштириш, ногиронлиги бўлган бола-ларга қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш ишларини янги bosқичга олиб чиқиш бўйича тақлиф ва тавсиялар беришди.

Кун тартибидagi масала юзасидан те-гишли қарор қабул қилинди.

## ЖАРИМАЛАР ЕНГИЛЛАШТИРИЛАДИ...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ер участкаларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси палатанинг шу йил 11 декабрь кунини бўлиб ўтган ялпи мажлисида бирин-чи ўқишда концептуал хижат-дан қабул қилинган эди. Ўтган даврда масъул қўмита томони-нидан лойиҳани такомиллига етказиш бўйича бир неча ма-ротаба ишчи гуруҳ йиғилиш-лари ўтказилди.

Тегишли вазирилк ва идоралар вакиллари, сиёсий партиялар фрак-циялари аъзолари, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтган навбатдаги йиғилиш-да ҳам қонун лойиҳаси ат-рофлича кўриб чиқилиб, уни янада такомиллаштириш, шишқ-пукта ҳолатга келти-

риш ва маромига етказиш бўйича қатор тақлифлар ил-гарни сурилди.

Ушбу лойиҳа билан ай-рим қонун ҳўжатларига ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турла-рини жорий қилишни назар-да тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ер кодекси эса алоҳида боб билан тўлдирилиб, унда ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш тизи-мини жорий қилиш, уларни белгиллаш ва ўзгартириш тартиблари белгиланяпти. Бу ер ресурсларидан оқло-на фойдаланиш ва бошқа-риш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга фуқаролар томо-нидан қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхати-дан ўтказишни амалга оши-рувчи органга тураржойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаган-ни боис жарималарни енг-иллаштиришни назарда тутувчи қўшимча норма ки-ритилмоқда.

Қўмитада қонун лойиҳа-си палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартиби-га иккинчи ўқишга киритиш учун янада такомиллашти-рилмоқда.

## ИНСОН ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ ДАХЛСИЗ

Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан жиноят ишини юритишда шахсни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан қамоққа олиналганларни тергов ҳибсхонасига жой-лаштиришдан олдин мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби назарда тутилмоқда. Тиббий кўриқ давомиди шахснинг танасида жараҳотлар, ши-кастланишлар ва яралар аниқланган тақдирда зудлик билан прокурорга ха-бар бериш белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги қафолатлари-ни қучайтиришга, жиноят содир этишда

гумонланиб ушлаб турилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда қонун лойиҳаси масъул қўмита томонидан мутахассислар, экс-пертлар, адвокатлар, сиёсий партиялар фракциялари, фуқаролик жамияти инсти-тутлари вакиллари иштирокида муҳокама этилмоқда ҳамда Қонунчилик палатаси-нинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи».

## ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

### ЎзЛиДеП

Президентимиз та-шаббуси билан қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ва энергетика мустақиллигига эришиш мақсадида қатор лойиҳалар амал-га оширилмоқда. Бу нафақат иқтисодиётнинг ривожланти-риш, балки халқимиз ҳаёт сифатини яхшилашга қаратил-гани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Шаҳноза Холмаҳаматова** бу борада депутатлар олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб, қайта тикла-нувчи энергия манбаларидан фойдаланишни содда-лаштирувчи қонунларни такомиллаштириш ва аҳолини рағ-батлантириш механизмларини кенгайтириш лозимлигини қайд этди. Халқ вакилининг фикрича, аҳолининг “яшил” энергия қаҳқидаги тушунчаларини ошириш учун доимий равишда медиакампаниялар ўтказиш, қайта тикланувчи энергия ускуналари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун техник стандартлар жорий қилиниши шарт. Қишлоқ жойларда қуёш панеллари ва шамол турбиналарини ўрнатишни янада рағбатлантириш орқали ҳудудий муво-занатини таъминлаш керак.

“Ўйлайманки, энергетика мустақиллиги фақат давлат ёки алоҳида ташкилотларнинг саъй-ҳарақатлари билан эмас, балки жамиятнинг барча қатлами фаол иштирокида амалга ошади. Хар бир фуқаро энергия тежаш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, уларнинг афзаллик-ларини тушуниши ва тарғиботига ўз ҳиссасини қўлиши зарур”, деди депутат.

### «Миллий тикланиш» ДП

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” де-мократик партияси фракциясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида тез-кор-кидиров ҳамда тергов фаолиятига қаратилган қонун лойиҳаси қизгин му-ҳокамага сабаб бўлган эди.

Фракция аъзоси **Қозим Тожиев** қонун лойиҳаси билан янги ҳуқуқий институт — тергов судьяси лавозими жорий этилаётгани юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

“Дарҳақиқат, қонун лойиҳаси билан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — тер-гов судьялари лавозими жорий этилиши белгиланаётган-ни эътиборга молик. Ушбу амалиёт тўла-тўқис ишлаши учун халқаро тажриба асосида унинг ихобий ва салбий жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Қолаверса, қонун лойиҳасини нафақат ушбу соҳа вакиллари ўртасида, балки кенг жамоатчилик орасида ҳам тарғиб қилиш ишларини қучайтириш мақсадга мувофиқ”, деди депутат.

### «Адолат» СДП

Қонунчилик палата-сининг кунини кеча бўлиб ўтган мажлисида “Суд-ларнинг фаолиятига оид конституциявий қафолатлар қучайтирилганлиги муносабати билан Ўзе-бекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзо-си **Дилрабо Холбоева** қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

“Қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунда Судьялар олий кенгаши таркиби Президент тақдимида бинаоан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши белгиллаб қўйилля-пти. Судьялар олий кенгаши раиси, раис ўринбосари ва аъзолари сайланиши, айтиш мумкинки, суд ислохотлари-даги муҳим қадам бўлиб, бу тажриба қонунийлиқни таъ-минлашда долзарб аҳамият касб этади”, деди депутат.

### ЎзХДП

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Tashkent Pharma Park” илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика клас-терига ташриф буюриб, Фар-мацевтика тармогини ривож-лантириш агентлиги ва кластердаги корхоналар фаолияти билан танишди ҳамда соҳадаги устувор вазифалар юза-сидан йиғилиш ўтказиб, мутасаддиларга зарур топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзо-си **Анвархон Нурматов** бу бўйича ўз муносабатини бил-дириб, фармацевтика ривожиди ишлаб чиқариш ва замо-навий логистика тизими тўғри йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эгалитини қайд этди.

“Сир эмаски, мамлакатимизда кўп йиллардан буён фар-мацевтика бўйича имкониятлардан тўла фойдаланилма-ган. Кейинги йилларда дори-дармон, тиббиёт воситала-рини ишлаб чиқариш, импорт-экспорт бўйича ислохотлар олиб борилди. Бунда соҳага инновацион ёндашувни тат-биқ қилиш, илмга таяниш йўлидан боришмоқда. Бу каби лойиҳаларнинг мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳолати-да аҳамияти катта. Мана шундай ташаббусларнинг рағ-батлантирилаётгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш-да муҳимлигини ҳам таъкидлаш ўринли”, деди депутат.

### Ўзбекистон Экологик партияси

Парламент қўйи палатасининг шу ҳафта аввалида бўлиб ўтган мажли-сида озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг масофали видеоочра-шува бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси атроф-лича кўриб чиқилганди.

Ўзбекистон Экологик партия-си фракцияси аъзоси **Дилдора Қамолова** муҳокама жараёнида ма-софали видеоочрашувини ташкил қилиш учун жазони ижро этиш муассасаларида зарур мод-дий-техника базаси етарли бўлишини таъкидлаб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз муносабатини билдирди.

“Албатта, қонун лойиҳаси долзарб. Чунки лойиҳа билан Жиноят-ижроа кодексининг тегишли моддаларига Ички ишлар вазирилик тасарруфидаги барча жазони ижро қилиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга ма-софадан видеоочрашув ҳуқуқини беришни назарда тутув-чи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу, ўз навбатида, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ўз оила аъзолари ва яқинлари билан алоқада бўлиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади”, деди депутат.

«Халқ сўзи».

Ҳафтанинг ҳар пайшанба санаси жисмоний тарбия ва спорт кунини сифатида белгиланди.



# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Аслида дунёда ногиронлик ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт муаммоси эмас, инсон ҳуқуқлари муаммоси сифатида ўзаро алоқа натижасида вужудга келадиган ҳолат”, деб таъкидланади. Бошқача айтганда, бу нафақат инсон танасининг нуқсонлари, балки қулай атроф-муҳит йўқлиги ва бундай одамларнинг жамият ҳаётида иштирок этишига қаршилиқ қилаётган тўсиқлар ва салбий стереотиплардир.

Шунинг учун 2020 йил 15 октябрда Президент томонидан имзоланган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги янги Қонунга кўра ilk бор ногиронлик ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт муаммоси эмас, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқлари муаммоси сифатида таърифланди. Қонунга илгари Ўзбекистон қонунчилигида бўлмаган “ногиронлик белгисига кўра камситиш” тушунчаси киритилди. Ушбу қонун ногиронлиги бўлган шахсларга жамиятнинг барча баҳасида, яъни бино ва иншоотлар, транспорт, ахборот олиш ва алоқа воситаларидан, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан, аҳолига кўрсатиладиган ҳамма хизматлардан фўқаролар билан тенг равишда фўйдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш имконини берди.

Ногиронликини аниқлаш, давлатнинг ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар-

ни тақдим этиш тартиби қайта кўриб чиқилди. Илгари учинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар (меҳнат қobiliяти бузилмаган, ҳаёт фаолиятининг анчагина енгил чекланишлари билан тавсифланадиганлар) ногиронлик бўйича пенсия олишарди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади. Бунда уларда ўз-ўзини намоён қила олиш, жамият ривожига ҳисса қўиши имконияти пайдо бўлади. Ногиронлиги бор одам жамият ишларида фаол қатнашадиган шахс сифатида қабул қилинишида БМТнинг “Бизсиз биз ҳақимизда ҳеч нарса” (“Nothing about us without us”) принципи асосида ёндашилмоқда. Натижада ногиронлиги бўлган шахслар жамиятимизнинг барча соҳасида фаол иштирок этмоқда, улар сафида депутатлар ҳам бор. Дунё спорт ареналарида Ўзбекистон байрогини баралла кўтарган ғoлиб паралимпиячиларимизни айтмайсизми?!

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ходимлари хонадонма-хонадон юриб, огир ижтимоий ҳолатга тушган ва тушиш хавфи бўлган аҳоли билан манзилли ишлаётгани таҳсинга сазовор. Ана шу айрили ишлар натижаси ўларoқ, ҳудудларда “Илк ривожланиш марказлари”ни ташкил этиш, камбағал оилалардаги ногиронлиги бўлган 4 минг 200 нафар болага бoғча таълими бериш бўйича чoра-тадбирлар белгиланди. Барча ҳудудда, маҳаллада фаолият кўрсатаётган “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томо-



нидан 102 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилди. Ижтимоий ходимлар уйма-ўй юриши натижасида 51 минг одамга ногиронлик белгиланди, 26 минг нафари протез олди. Ётиб қолган 4 минг ёлғиз кекса аниқланиб, уларга уйининг ўзида парвариш ташкил этилди. Ногиронлиги бор 5 минг нафар бола бoғча-мактабга жойлашди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги ва протез-ортопедик воситалар билан таъминланишида давлат, жамият ва хусусий секторлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг 2024 йил 27 февралдаги қарорида ана шу масалалар алоҳида эътибор қаратилгани ҳoлда ногиронлиги бўлган шахсларга кўмаклашиш, уларни жамиятга интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди.

Бу орқали протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турларини 18 та-

дан 30 тага, қoғлаб бериладиган маблағлар миқдори ўртача 10 бараваргача оширилди. Ҳозирги вақтга келиб 84,5 мингдан ортиқ ваучерлар шакллантирилиб, 50 минг кишига барча зарур воситалар тарқатилди. 100 дан ортиқ тадбиркорлар платформага 432 турдаги маҳсулотларини жойлаштирди. Фўқаролар олган маҳсулотлари учун 45 та тадбиркорга 77 млрд. сўм маблағ автоматик тарзда тасдиқлангач, 10 кун муддат ичида ўтказиб берилди. Бугунги кунда 5,3 мингта тегишли воситаларни олиши ҳамда 3,8 мингта ваучери шаклланган фўқаролар буюртма беришлари кутилмоқда. 2025 йилда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят ҳoқимлари билан биргаликда яна 80 минг муҳтож одамга зарур протез воситаларини етказиб бериши режалаштирилган.

Ногиронлиги бор болалар тўрт мучаси соғ болалар билан бир сафда, эркин ва сифатли таълим олиши учун шароитлар яратилапти. Жумладан, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб 954 та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, яна 1 минг 800 нафар ногиронлиги бор бола таълим олиши учун қулай шароитга эга бўлади. Ҳаракати чекланган болаларга мактабга келиб-кечиш харажатиининг 75 фоизини қoғлаш тизими жорий қилинади ва 15 минг нафар ногиронлиги бор бола таълимга жалб этилади. Ҳар бир туманда биттадан бoғчада инклюзив таълим гуруҳи очилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг нафар одам ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки болалари қаровида. 2025 йил бошидан уларнинг 19 минг нафарига уйда ва 4 минг нафарига кундузги қатнов асосида қараш йўлга қўйилади. Бундай хизматни зиммасига олган хусусий секторга оила харажатиининг 80 фоизини давлат тўлайди. Бу тажриба аввал Тошкент шаҳрида, йил якунигача вилоятларда йўлга қўйилади. Бундай эзгу, савоб ишлардан қувонмай бўладими?!

Ҳазрат Алишер Навоийнинг: *Кимки бир кўнгли бузунинг хотирин шoд айлагай, Онча борким, Қаяба вайрон бўлса обод айлагай,* деган ҳикматли сўзлари бугун жамиятимизда инсон қадри нақадар улуғланаётганида, хаста кўнглиларнинг дардига малҳам бўлаётган амалларда ўз ифодасини топмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ногиронлиги бор инсонлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаёт фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан жaҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортаётми, халқаро эксперт ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлмоқда.

**Ойбек ИСОҚОВ,**  
Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси.

Факт ва рақамлар

## Ижтимоий ҳимоя – асосий мезон

Ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда.

- Хусусан:**
- ▶ республиканинг **208 та** туман (шаҳар)ида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилди;
  - ▶ маҳалла даражасида **12 тоифадаги** ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга **100 дан** ортиқ ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизими яратилди;
  - ▶ 2021 йилдан ҳозирги кунга қадар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган **2481 нафар** бола давлат томонидан уй-жой билан таъминланди;
  - ▶ **66 та** ихтисослаштирилган мактабгача ва мактаб таълими ташкилотида ногиронлиқнинг огир турларига эга бўлган болалар учун **“Ғамхўрлик” гуруҳлари** ташкил этилди.

Шу билан бирга, расмий банд ногиронлиги бўлган шахсларнинг сони **82,5 минг нафарга** етиб, йил бошидагига нисбатан **11 фоиз** ошди.

Ишлаш истагида бўлган **3,3 минг нафар** ногиронлиги бўлган шахс очиқ танлов орқали давлат ташкилотларидаги бўш иш ўринларига жойлаштирилди.

### «Escrow» тизими:

## УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДАГИ МУАММОЛАРГА ОҚИЛОНА ЕЧИМ

Кейинги йилларда мамлакатда қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни қайтариш, барча бoғиқча шаффофлиқни таъминлашга қаратилган улкан ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган қисқа даврда соҳага доир Президент Фармон ва қарорлари имзоланди. Янги таҳрирда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодекси эса ушбу соҳада бутунлай янги даврни бошлаб берди.

### Акс садо

Ушбу соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам йил сайин ошиб бoрмоқда. Масалан, охириги етти-саккиз йилда юртимизда қарийб 100 млрд. долларлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Шу даврда қурилиш материаллари саноатига 9 млрд. доллар сармоа киритилиб, 5 мингга яқин янги корхоналар ишга туширилди ва 94 минг доимий иш ўрни яратилди.

Ўтган қисқа даврда мазкур йўналишда катта натижалар, улкан ютуқларга эришилди. Аммо шунга қарамай, айрим муаммолар ҳам борки, бу аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Жумладан, охириги вақтларда ОАВда янги қурилаётган уй-жойлар сотувида харидорларни алдаш ҳолатлари бўйича турли хабарларни тез-тез ўқиб, эшитиб қоламиз.

Фўқароларимиз айрим нопок қурилиш корхоналарининг ваъдаларига ишониб, хали қурилиш бошланмаган уй-жойлар учун шартнома тузиб, олдиндан катта натижадор тўлов қилиб қўймоқда. Айрим қурилиш корхоналари мутасаддиларининг пулларни мақсадсиз сарфлаши, талон-торож қилиши ёки уларнинг банкротга учраши оқибатида ишонувчан фўқаролар маблағларидан ажрალიб қоляпти.

Президентимиз уй-жой қурилишида аҳоли маблағларини қафолатлаш тизимига оид тақдимот билан та-

нишиш давомидида шундай муаммолар таҳлил қилиниб, узoқ муддатга мўлжалланган аниқ, мақсадли вазибалар белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда ҳар бир фўқаро ўз уйига эга бўлсин, деган мақсадда арзон уй-жойлар ва кўп квартирли уйлар қуриш кескин жаддалашди. Масалан, биргина жорий йилда 100 минг хонадонни кўп қаватли уйлар фўйдаланишга топширилади. Келгуси йилда эса 120 мингта қурилиши режалаштирилган.

Бироқ бугун талаб кўплигидан фўйдаланиб, бу соҳада инсофсиз бизнес қилаётганлар ҳам, афсуски, учраб турибди. Хусусан, тўлов тизими тартибга солинмагани, рақамлаштириш ва очиқ-ошкоралик йўқлиги бунга йўл очиб бeрляпти. Янги уйлари оломоқи бўлган одамлар пулини банк орқали эмас, тўғридан-тўғри қурувчига бeраётгани учун бу маблағлар “соғ”да қоляпти.

Албатта, бундай ҳолатларда хорижий давлатларда тажрибадан ўтган “escrow” тизими яхши самара бeради. Чунки унга кўра буюртмачи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган шартномага асосан, ҳар бир қурилиш иншооти бўйича “escrow” ҳисобварағи очилади ва кўчмас мулк учун қелишилган маблағлар шу ҳисобварақ орқали амалга оширилади.

Тақдимот давомидида айтиб ўтилганидек, унда йиғиладиган маблағлар асосида тижорат банклари буюртма-

чига пасайтирилган фoизда кредит бeради. Қурилиш биттаг эса харидорнинг ҳисобварағидаги пул девeлопeр ташкилотга ўтказилади. Агар қурувчи ўз мажбуриятини бажармаса, бу пул эгасига қайтариб бeрилади. “Escrow” ҳисобварағида турган маблағларга ундирув қаратилмайди.

Давлатимиз раҳбари мазкур тақлифларни маъқуллаб, бу бoрада ҳуқуқий асос яратиш, мазкур тизимни қурилишга алоқадор вазиpлик ва идораларда интеграция қилиш бўйича кўрсатмалар бeрди.

Ушбу вазибалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига ҳам катта масъулият юкляди. Бoси бугунги кунда янги қурилаётган уй-жойлар сотувида “escrow” ҳисoб рақамлар тизимининг самарали ишлаши учун мамлакатимиз қонунчилигида етарли асослар мавжуд эмас. Демак, ушбу йўналишда алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Партияимиз Сайловолди дастурида турарҳойларни қуришда жалб этилган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш мақсадида “escrow” тўлов тизимини жорий этишни назарда тутувчи қонунни қабул қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи ва экспертлар томонидан “Уй-жой қурилишида фўқароларнинг ҳиссадорлик иштирокини тартибга солиш ва уларнинг молиявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лoйиҳаси ишлаб чиқилиб, бугунги кунда мутахассислар томонидан муҳокама этилмоқда.

Ушбу ҳужжат уй-жой қурилишидаги фўқароларнинг ҳиссадорлик иштиро-

кини тартибга солиш, ҳиссадорларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш, қурилиш соҳасида давлат назоратини қучайтириш, қурилиш жараёнида шаффофлик ва ишончлиқни ошириш, қурувчиларнинг масъулиятини қучайтириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлidir.

Президент белгилаб берган вазибалардан келиб чиқиб, партияимиз фракцияимиз аъзолари билан биргаликда соҳани чуқур таҳлил қилиш, мазкур масалада юқори натижаларга эришган хорижий давлатлар тажрибаси ва қонунчилигини ҳар томонлама ўрганамиз. Аввало, қонун лoйиҳасини парламентга киритиш учун тайёрлаш жараёнида фўқаролар, кенг жамоатчилик ва қурувчи ташкилотлар, молиявий ташкилотлар тақлифларини ҳам ҳисoбга оламиз. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг янги тизимни қурилишга алоқадор вазиpлик ва идораларда интеграция қилиш ҳақидаги кўрсатмалари асосида бажариладиган ишларни қонун ижодкорлиги жараёнида ҳисoбга олиш, мутоақадди ташкилотлар ва мутахассислар билан бамаънаслахт фаолият юритишимиз зарур.

Ишончим комилки, мазкур қонун лoйиҳасининг қабул қилиниши, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилаётган уй-жой сотиби олиш учун “escrow” ҳисoбларининг қафолатланган янги тизими учун мустақам ҳуқуқий асос яратиби бeради. Энг муҳими, қурилиш жараёнининг шаффофлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

## ТАҚДИМОТ ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯЛАРИНИНГ ЯНГИ НАШРИ

Мамлакатимизда 1949 йилги Женева конвенциялари ва уларга қўшимча протоколлар ilk бор лoтин имлосидаги ўзбек алифбосида чoп этилди. Шу муносабат билан жорий йил 17 декабрь кuni Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Халқаро Қизил хоч кўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий делегацияси билан ҳамкорликда ушбу янги тўпламнинг тақдими ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда илмий доиралар, фўқаролик жамияти намоёндалари қатнашди.

Таъкидланганидек, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари билан бoғлиқ масалаларнинг муҳимлиги ҳамда долзарблигига эътибор қаратган ҳoлда, Женева конвенциялари ва уларга қўшимча протоколларнинг янги наشري ададини кўпайтириш, ҳамкор ташкилотлар томонидан биргаликда тизимли ахборот-маърифат тадбирлари ўтказилиши муҳим. Зeро, семинар, маъруза ва тренинг машғулотлари каби маърифий-ҳуқуқий тадбирлар аҳолининг халқаро гуманитар ҳуқуқ моҳияти ҳамда принципларидан хабардорлигини оширади.

Тадбирда етaчки миллий ва халқаро экспертлар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

**Акмал САИДОВ,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик:

— Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лoтин имлосидаги ўзбек алифбосида нашр қилингани жамиятимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳар бир фўқаромиз инсонпарварлиқнинг асосий меъёрларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш йўлида муҳим қадам ҳисобланади. Айни ташаббус Ўзбекистон, Халқаро Қизил хоч кўмитаси ва Швейцария ўртасидаги самарали ҳамкорлиқнинг яна бир аяқол намунасидир.

Женева конвенцияларида қуролли моҳаролар пайтидаги ҳулқ-атвор, яъни уруш маданияти билан бoғлиқ, биринчи навбатда, ҳарбий ҳаракатларда бeвосита иштирок етмайдиган оддий инсонларни ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Шу нуқта назардан, Женева конвенциялари нафақат ҳуқуқий восита, балки инсонийлик ва раҳм-шафқат тимсоли ҳамдир.

Глобал хатарлар ва минтақавий моҳаролар кўпайиб, халқаро ваъзят доимий равишда ўзгараётган, халқаро хавфсизликка таҳдидлар тобора қучайиб бoраётган қалтис бир шароитда Женева конвенциялари энг мураккаб ваъзятларда ҳам инсон қадр-қимматиини ҳурмат қилиш ва ҳар бир фўқаронинг ажралмас ҳуқуқларини ҳимоя этиш зарурлиги бoрасида муҳим эслатма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон халқаро-ҳуқуқий стандартларга амал қилиш, глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган муҳим шартнома ва битимларда фаол иштирок этишга азму қарор қилганини доимо қатъий намоиш етмоқда. Бинобарин, фақат инсон қадр-қимматиини ҳурмат-эҳтиром

**Билияна МИЛОШЕВИЧ,**  
Халқаро Қизил хоч кўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий делегацияси раҳбари:

— Женева конвенциялари 1949 йилдаёқ имзоланиб, амалиётга қаратилган ва бугунги кунда универсал ратификация қилинган бўлишига қарамай, сўнгги йилларда халқаро ҳуқуқий воситаларга ишончнинг сезиларли танқислиги кузатилмоқда, халқаро гуманитар ҳуқуқ тез-тез танқидларга дуч кeлмоқда.

Ўтмишда бўлганидек, бугунги урушлар ҳам даҳшатли оқибатларга олиб кeлмоқда. Яъни одамларнинг ҳаётига зoмин бўлмоқда, оилаларни бир-биридан жудо қилмоқда ва мислсиз азoб-уқубатларга сабаб бўлаётми. Оқибатда баъзилар қуролли тўқнашувлар таъсирини учраган шахсларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси сифатида халқаро гуманитар ҳуқуқнинг долзарблиги ва зарурлиги ҳақидаги масалани ўртага қўймоқда.

Аслида, бугунги кутбланган ва ўзгaрувчан замонда халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эга. Биз, Халқаро Қизил хоч кўмитаси вакиллари халқаро гуманитар ҳуқуққа риоя қилиш ва унинг инсонпарварлик руҳини қўллаб-қувватлаш амалиёти инсон ҳаёти ҳамда қадр-қимматиини сақлаб қола олишига қатъий ишонамиз.

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Халқаро Қизил хоч кўмитаси

**Константин ОБОЛЕНСКИЙ,**  
Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси:

— Биз халқаро гуманитар ҳуқуқнинг тамал тоши бўлган Женева конвенцияларининг 75 йиллигини нишонлаб турибмиз. Женева конвенциялари дунёнинг жами мамлакатлари томонидан ратификация қилинган. Барча давлат Женева конвенциялари ҳурматини сақлашга тайёрлигини билдирган.

Женева конвенциялари мен учун халқаро ҳуқуқнинг асосий қадриятидир. Швейцария халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш, тарғиботи билан шуғулланиш ва амалиётда қўлланиш ўз ташки сиебатиининг тамал тоши этиби белгиланган. Биз давлатлар ўртасидаги муносабатлар бузғунчи кучлар ғалваси билан эмас, балки қонун ва ҳисoбдорлик йўли билан тартибга солиниши тарафдоримиз.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.**

ва қонунийликка риоя қилиш амалиёти миллий маданиятнинг ажралмас қисмига айланган илғор жамиятдагина мустаҳкам тинчлик-осойишталик ва барқарор тараққиёт бўлиши мумкин.

Шунинг учун Ўзбекистон давлат институтлари, Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик ўртасида гуманитар ҳуқуқнинг пойдевори бўлган принципларга оид биллиmlарни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Женева конвенциялари ва уларга қўшимча протоколларни ратификация қилиши замирида ҳам ана шу оддий ҳақиқат муҳасам. Шу аснода мамлакатимиз халқаро гуманитар ҳуқуқ стандартларини мустаҳкамлаш ва миллий ҳуқуқий тизимга жорий этиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бу ишларда кeлажакимизнинг қафолати бўлган ёшларимизнинг ҳуқуқий ва маънавий маърифатини ошириш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, янги Ўзбекистон халқи ва давлати Женева конвенцияларида акс этган ҳуқуқий ҳамда маънавий асосларни мустаҳкамлаш орқали инсон шахсига ҳурмат, инсонпарварлик ва адолат меъёрларига риоя қилиш барча халқлар учун ажралмас қадриятларга айланадиган дунё қарор топишига ўзининг муносиби ҳисасини қўшиб кeлаётганидан ва бу эзгу амалларга содиқ ва собитлигидан далолат бeради.

халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳимоячи сифатида ушбу муҳим ҳуқуқий воситани илгари суриш ва амалга ошириш учун ҳуқуқмат, давлат ва нoдавлат ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бoрмоқда.

Женева конвенцияларининг ватани Швейцария ушбу ҳужжатларнинг депозитарийи сифатида ва тарихан турли давлатларнинг бу йўлда бeрлашиши, дипломатик конференциялар қачирилиши бoрасида муҳим роль ўйнади. Зeро, худди шу мамлакатда 75 йил олдин қуролли моҳаролар қурбонлари ҳимояси бўйича энг муҳим халқаро ҳужжатлар — Женева конвенциялари қабул қилинган.

Шундай экан, бугун биз ҳамкорларимиз билан биргаликда Женева конвенцияларининг янги нашини эътиборингизга тақдим етлаишиши, дипломатик конференциялар қачирилиши бoрасида муҳим роль ўйнади. Зeро, худди шу мамлакатда 75 йил олдин қуролли моҳаролар қурбонлари ҳимояси бўйича энг муҳим халқаро ҳужжатлар — Женева конвенциялари қабул қилинган.

Шундай экан, бугун биз ҳамкорларимиз билан биргаликда Женева конвенцияларининг янги нашини эътиборингизга тақдим етлаишиши, дипломатик конференциялар қачирилиши бoрасида муҳим роль ўйнади. Зeро, худди шу мамлакатда 75 йил олдин қуролли моҳаролар қурбонлари ҳимояси бўйича энг муҳим халқаро ҳужжатлар — Женева конвенциялари қабул қилинган.

Швейцария бундай шериклики юксак қадрлайди ва бутун дунёда инсон ҳуқуқлари ҳамда гуманитар қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун ҳам икки, ҳам кўп томонлама асосда ҳамкорлик қилишга қатъий интилади.





**Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.23 Топширилди — 00.40** 1 2 3 4 5 6

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**  
(«Халқ сўзи») тайёрлади.